



O'zbekiston Milliy axborot agentligi
O'zA Ilm-fan bo'limi

Elektron jurnal
2023 yil fevral soni №02 (40)

Toshkent-2023

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ – ЎЗА ИЛМ-ФАН БЎЛИМИ (ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ)

Илмий нашр
2023 йил февраль оyi сони №02 (40)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК Раёсатининг 2019 йил 28 мартдаги 263/7.1 ва 263/7.4-сон қарорига биноан ташкил этилган.

Электрон журналга келган мақолаларга жавоб қайтарилмайди, журналда эълон қилинган мақолалардан олинган парчалар ЎЗА Илм-фан бўлими (электрон журнал)дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Электрон журналга бир ярим ораликдаги материаллар “Microsoft Word” редактори, “Times New Roman” шрифтида электрон версия шаклида қабул қилинади.

Тахрир кенгаши

А.Кўчимов
А.Асқаров
Д.Ю.Юсупова
А.Х.Саидов
Т.Ў.Арипова
Қ.Р.Аллаев
С.М.Туробжонов
Ш.Т.Қудратхўжа
Н.А.Хусанов

Қ.Ш.Омонов
А.С.Сагдуллаев
С.С.Фуломов
Ф.Г.Назиров
Р.Д.Курбанов
М.Ҳ.Рустамбоев
Н.М.Маҳмудов
И.С.Саифназаров
Н.Х.Обломуродов
Г.А.Мардонова

МУНДАРИЖА

Инновацион зоялар ва ишланмалар

Н.ҲУСАНОВ. Навоийнинг иқтисодий қарашлари ва соҳа лексикаси..... 3

Иқтисод

А.А.ИСАДЖАНОВ. Хитой инновацион сиёсатининг ривожланиш тамойили..... 11

Ш.Н.МУРАТОВА. Формирование подходов к классификации отдельных видов товаров с учетом сложившейся международной практики..... 18

Ю.Р.ЯКУБОВА. Озиқ-овқат товарлари бозорида сотиш тизимини амалга ошириш ва унинг назарий асослари..... 25

Қ.Т.ИБРАГИМОВ. Сурхондарё вилоятида уй-жой қурилиши корхоналарининг SWOT таҳлили 32

К.А.ЖАҲОНГИРОВ. Туризм соҳасида транспорт хизматларининг ўрни ва аҳамияти 37

С.Т.НОРКУЛОВ. Таълим соҳасини рақамлаштириш: хориж тажрибаси ва унинг амалий аҳамияти 42

Г.К.МУЙДИНОВА. Методологические аспекты управления персоналом на предприятиях..... 48

Юридик

Г.Ш.УЗАКОВА. Шаҳарларни барқарор ривожлантиришда экологик масалалар: ҳуқуқий жиҳатлари 55

А.А.ГАФУРОВ. Суд ҳужжатларини ижро этиш тарихи ва ривожланиш босқичлари..... 62

А.Б.ХАЙРУЛИНА. Институт по пересмотру судебных актов в гражданском процессе зарубежных стран..... 68

З.Ш.ШОФИЕВ. Фермер хўжалиқларининг сув ресурсларидан фойдаланишини ҳуқуқий тартибга солишнинг юридик табиати ва асослари 74

Филология

М.ОМАНОВА. Исажон Султоннинг “Алишер Навоий” романида Навоий образи 79

Ш.А.СУЛТАНОВА. Электрон луғатлар ва анъанавий луғатлар ўртасидаги тафовутлар 84

Н.Н.РАМАЗОНОВ. Эссе жанри ва унинг хусусиятларига доир 91

З.Р.ЮНУСОВА, Г.Г.НИЯЗОВА. Инглиз ва ўзбек тилларида оила концептини ифодаловчи мақоллар 96

С.Х.АЗИМОВА. Эвфемизм – тил маданиятининг кўриниши сифатида 100

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ОИЛА КОНЦЕПТИНИ ИФОДАЛОВЧИ МАҚОЛЛАР

Зайтуна Расуловна ЮНУСОВА

Магистр

Алишер Навоий номидаги ўзбек тили ва адабиёти университети
Тошкент, Ўзбекистон

Гулнорахон Гуломовна НИЯЗОВА

филология фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори

Алишер Навоий номидаги ўзбек тили ва адабиёти университети
Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада инглиз ва ўзбек халқ мақолларида оила тушунчасининг ўхшашлиги ҳақида сўз юритилади. Таржиманинг бир қанча муҳим инновацион усуллари топиш, инглиз ва ўзбек тилларидаги ўзига хос хусусиятларни қиёслаш орқали бир тилдан бошқа тилга таржима қилишда баъзи мақолларнинг эквивалентлари берилган.

Таянч сўзлар: мақол, оила, кадрият, миллатлар тарихи, тилшунослик, мазмун, шахс ва жамият, миллий кадрият, бадий шакл.

ПОСЛОВИЦЫ, ОТРАЖАЮЩИЕ КОНЦЕПТ СЕМЬИ В АНГЛИЙСКОМ И УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКАХ

Зайтуна Расуловна ЮНУСОВА

магистр

Ташкентский государственный университет узбекского
языка и литературы имени Алишера Навои
Ташкент, Узбекистан

Гулнорахон Гуломовна НИЯЗОВА

доктор философии (PhD) по филологическом наукам

Ташкентский государственный университет узбекского
языка и литературы имени Алишера Навои
Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В статье речь идет о схожести понятия семьи в английских и узбекских народных пословицах. Для того, чтобы найти некоторые важные новаторские приемы перевода, противопоставить уникальные особенности английского и узбекского языков, эквиваленты некоторых пословиц на языке перевода даются для перевода на другой язык.

Ключевые слова: пословица, семья. ценность, история народов, языкознание, содержание, человек и общество, национальная ценность, художественная форма.

Тил миллатнинг ўзига хос маданиятини акс эттиради. Айниқса, муайян миллатнинг миллий хусусиятлари ва маданиятини ифодалашда мақолларнинг ўрни катта. Мақолларда нафақат халқнинг урф-одатлари ва миллий тушунчалари, балки тарихий жойлар, таниқли инсонлар ва халқнинг таниқли персонажлари ҳам ўз ифодасини топади.

Ҳозирги замон тилшунослигида, жумладан, қиёсий тилшунослик ва фольклоршуносликда мақолларни чуқурроқ ўрганиш бугунги кунда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунинг натижасида паремиология, яъни, мақолларни ўрганиш тилшуносликда алоҳида соҳа сифатида пайдо бўлди.

Миллатнинг ўзлигини кўрсатувчи, миллий қадриятларни, халқнинг маданиятини ифодаловчи омиллардан бири бу – халқ оғзаки ижодидир. Унинг энг муҳим жанрларидан бири бўлмиш мақоллар тилшунослик ва фольклоршуносликда ўрганилаётган энг муҳим мавзулардан биридир.

Ўзбек ва инглиз мақолларининг умуминсоний хусусиятлари ва уларнинг халқ оғзаки ижодининг бошқа жанрларига нисбатан ўхшаш ва фарқли жиҳатларини кўриб чиқишда баъзи фикр ва мулоҳазаларни илгари суриб, ўзбек ва инглиз халқ мақолларининг тилшуносликда ўрганилиш жиҳатлари, бу соҳа бўйича фаолият кўрсатган олимларнинг назариялари билан яқиндан танишиб чиқамиз. Тил, фалсафа ва бадиий ижоднинг ўзига хос ҳодисаси сифатида юзага келган халқ мақоллари фольклорнинг ихчам шакл, аммо теран мазмунга эга бўлган жанридир. Ҳар бири тилимиз кўркини, нутқимиз нафосатини, ақл-фаросат ва тафаккуримиз мантиқини ҳайратомуз бир қудрат билан намойиш эта олади. Улар халқимизнинг кўп асрлик ҳаётий тажрибалари ва маиший турмуш тарзининг бамисоли ойнаси деса бўлади.

Мақол халқнинг кўп асрлар мобайнида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётда тўплаган тажрибалари, кузатишлари асосида юзага келган ихчам, чуқур мазмунга эга бўлган оғзаки ижод жанрларидан биридир. “Мақол” атамаси ар. қавлун гапирмоқ, айтмоқ сўзидан олинган бўлиб, айрим ифода ва ибораларга нисбатан қўлланилади. Барча томонидан деярли бир хилда айтилиб, бир хил тушуниладиган ибора, ифодалар, асосан, мақол жанрини ташкил қилади. Демак, халқ мақоллари омманинг муайян воқеа, ҳодисалар ҳақидаги хулосаларини, ҳукм ва тавсияларини ўзида мукамал тарзда мужассамлаштирган ўзига хос бадиий шаклга эга бўлган ифода ва иборалардан иборатдир.

Мақол халққа маълум аниқ, лўнда сўз билан айтилган фикр; улар ақлий тафаккур маҳсули ёки одамларнинг амалий тажрибасига асосланган ҳолда ифода этиладиган ҳақиқати. Таниқли тилшунос В.Майдер фикрича, мақол – бу халқнинг ҳикмат, ҳақиқат, ахлоқ ва анъанавий қарашларини метафора, собит ва эсда қоларли шаклда ўз ичига олган қисқа, умуман, маълум жумла бўлиб, авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда [2]. Таърифдан кўриниб турибдики, мақоллар одатда метафора асосига қурилган ва мажозий маънога эга. Мақол тушунчасига бир қанча олимлар кўплаб таърифлар беришган бўлсада, Майдернинг таърифи улар орасида энг яхши таъриф деб ҳисобланади. Мақол тилнинг оддий бирлиги эмаслиги сабабли, бу ҳикматли сўзлар ёки одамлар ёки миллатнинг анъанавий фикрлари билан метафора маъносини берадиган тайёр жумла. Бундан ташқари, улар қисқа вақт ичида нафақат шахс томонидан яратилган. Мақол узоқ вақт давомида халқ сўзлари сифатида ишлатилиб келинаётган муайян миллатнинг ижод маҳсулидир. Улар йиллар ва асрлар давомида инсон ҳаётининг одатий вазиятлари рамкалари ёки моделлари сифатида қолдирилган.

Айтиш жоизки, кўплаб мақолларнинг ҳар хил тиллардаги шаклларида ҳам шаклан,

хам маъно жиҳатдан ёки умумий бажараётган функцияларидан ўхшаш ва фарқли жиҳатларини топса бўлади. Ўзбек тилидаги айрим мақоллар инглиз мақолларига функционал жиҳатдан мос келади. Масалан, “First think, then speak” мақолини ўзбек тилидаги муқобил варианты “Аввал ўйла – кейин сўйла” мақолига тўғри келади, чунки бу мақол ҳар иккала тилда айнан бир хил маънога эга ҳамда унинг грамматик тизими ҳам анча яқин.

Шу билан бирга, маълум бир тилдан иккинчи тилга берилган ўгиришларда мақолларнинг айнан ўхшашини топиш қийин бўлади. Шунда изоҳларга ёки иккинчи бир адекват вариантга мурожаат қилинади. Ўзбек тилидаги мақолларнинг инглиз тилида ёки инглиз тилидаги мақолларнинг ўзбек тилидаги муқобил вариантини топиш анча мушкул, бу борада мақолларга ўрни келганда изоҳ бериб ўтиш таржимага путур етказмайди, балки уни тўлдиради ва бойитади.

“Сўзлагувчи нодон бўлса, эшитгувчи доно бўлсин” мақолининг айнан нусхаси инглизчада йўқ бўлгани ҳолда бу мақолни унинг яқинроқ эквиваленти билан бериш мумкин. Лекин уни “If speaker is fool listener should be wise” деб таржима қилинса, унинг ўзбекча колорити сақланиб қолади ва бу ҳаммага тушунарли бўлади. Худди шу сўзларни “Қассоб мой қайғусида, эчки – жон қайғусида” мақолига ҳам қўллаб, уни “The butcher grieves for bacon, and the goat - for its life” қабилда берилса маъкул бўлади. “Қизи борнинг нози бор” мақолини инглиз тилига Who has a daughter that has a whim қабилда берилса, Марказий Осиё халқлари, хусусан, ўзбек урф-одатларидан беҳабар инглиз ўқувчиси уни бутунлай тушунмаслиги мумкин. Инглиз тилига уни Parents of the bride may be capricious (they can expose their own terms) деб ағдаришдан бошқа чора йўқ. Бошқа йўли эса: бу мақол мазмунини берувчи бошқа мақол топиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Мақолларни чуқурроқ таҳлил этиш ва уларнинг турли тиллардаги миллий-маданий ҳамда умумбашарий кадриятларни акс эттириш орқали ўрганиш ҳозирги замон тилшунослигининг долзарб муаммоси бўлиб келмоқда. Қиёслаб ўрганадиган бўлсак, дунёдаги барча тиллар ўзига хос хусусиятларга эга эканлигини кўриш мумкин ва айнан шу феномен турли тилларни бир-биридан ажратади. Лекин шу нарса маълумки, тил ўрганувчилар ўзига бегона бўлган тилни она тили ва шу тил ўртасида маълум бир боғлиқлик асосида ўзлаштиради. Бу тиллар маълум категориялар остида бирлашади. Бу категорияларда грамматик категориялар, лексик-семантик категориялар, функционал категорияларга ўхшаш лисоний белгилар киради. Демак, умумлаштирувчи категориялар тиллардаги универсалликни таъминлайди. Шу аснода, мақоллар ҳар бир тилда учрайдиган ўзига хос тил бирлиги экан, уларда ҳам умумийлик мавжуд.

Ушбу икки тилдаги мақолларнинг лингвомаданий хусусиятларини таҳлил қиламиз. Мақолларни сўзма-сўз таржима қилиш, бошқа тилларда уларнинг маъносини ифодалаш учун етарли эмас, чунки мақолнинг мазмуни таржима қилинган тилда мавжуд. Бу мақолнинг асосий маъносини нотўғри тушунишга олиб келиши мумкин. Шунинг учун инглиз ва ўзбек тилларида мақолларнинг эквивалентларини топиш усули ушбу тиллардаги дўстлик ҳақидаги мақолларнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганишда ишлатилади.

“Birds of a feather flock together” – “Ўхшатмасдан учратмас”. Қушларнинг хатти-ҳаракатлари инглиз мақолида инсонлардаги меҳр-оқибат билан ўхшашлик сифатида қабул қилинган, ўзбек тилида эса номаълум мавзуга эга бўлган қисқа жумла таркиби ишлатилади. Тилда қўллаб синоним сўзлар ва иборалар учраши, мақоллар бир-бирига синоним бўлиши мумкин. Баъзан уларнинг маънолари ўхшаш ва улар контекстда бир-

бирининг ўрнини босиши мумкин. Шу билан бирга, кўпгина синоним мақоллар, ҳатто семантик жиҳатдан бир-бирига ўхшаш бўлса ҳам, мутлақ синоним бўла олмайди. Чунки, уларнинг маънолари бўйича экспрессивлик маълум даражада бир-биридан фарқ қилади, бинобарин, улар ҳар хил ҳолатларда ва вазиятларда қўлланилади шу боис улар ҳар хил прагматик ва социолингвистик хусусиятларга эга: уларнинг баъзилари асосан расмий (расмий) ҳолатларда, баъзилари эса кўпинча норасмий (оғзаки) суҳбатларда пайдо бўлади. Юқорида келтирилган мақоллар бир нечта синонимларга эга бўлсада, улар контекстда бир-бирининг ўрнини боса олмайди, акс ҳолда семантик ёки услубий мувозанат бузилиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, ўзбекларда бўлгани каби инглиз халқида ҳам мақоллар кенг қўлланилади. Улар семантик, структуравий, стилистик ва ҳатто прагматик жиҳатдан бир-биридан фарқ қилади. Мақоллар миллат маданиятининг кўплаб камчиликларини қамраб олиб, мавжуд тил маданиятини тавсифлаш, аниқлаш ва ифодалашга хизмат қилади. Тилнинг паремиологик фондида миллий тушунчалар, нарсалар, ҳиссиётлар, урф-одатлар, таниқли аждодлар, ҳатто жой номлари – маданий нуқталарни кўриш мумкин. “Оила“ тушунчаси билан боғланган инглиз ва ўзбек мақоллари миллатнинг менталитети, маданияти ва урф-одатларини акс эттиради ва ушбу миллат тилида муҳим ўрин тутаяди. Иккала тилда оила ҳақидаги мақоллар хилма-хил бўлиб, улар орасида синонимик ёки антонимик мақолларни топиш мумкин. Аммо уларнинг синонимик ва антонимик муносабатлари мутлақ деб ҳисобланмайди, чунки улар контекстга қараб танланади, натижада уларнинг маънолари ҳам қисман ўзгариши мумкин. Шу сабабли, мақолни тегишли жойда қўллаш нутқни раво ва мафтункор қилади. Чунки юқорида айтиб ўтганимиздек, мақоллар нутқда тез-тез ишлатилади ва улар вақт, жой, ҳолат ва бошқа амалий омилларга қараб танланади. Бундан ташқари, жамият ва ижтимоий жараёнлар мақолларнинг ишлатилиши, мазмунан ифодаланиши ва бошқа хусусиятларига бевосита таъсир қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Раупова Л. Нутқ маданияти: дарслик. – Тошкент: ИННОВАЦИЯ-ЗИЁ, 2019. – 138 б.
2. Mieder W. International Proverb Scholarship. New York: Garland Publishing, 1993. P. 27-63. 2. Gryzberg P. Proverb. New York: Brockmeyer, 1994. P. 227-241.)
3. Abrahams R.D. Proverbs and proverbial expressions. In R. M. Dorson (Ed.), Folklore and folklife. Chicago, 1972. P. 117-127.
4. Mieder W. Proverbs: A handbook. Westport, CT: Greenwood Press, 2004.
5. Norrick N.R. How proverbs mean. Berlin: Mouton, 1985. 6. Taylor A. The proverb and index to the proverb. Hatboro/ PA: Folklore Associates, 1962.
6. <https://forum.ziyouz.com/index.php>
7. <https://www.litcharts.com/lit/the-godfather/quotes>



ЭВФЕМИЗМ – ТИЛ МАДАНИЯТИНИНГ КЎРИНИШИ СИФАТИДА Сайёра Хусанбоевна АЗИМОВА

катта ўқитувчи
филология фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори
Фарғона давлат университети
Фарғона, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада эвфемия ҳодисасининг ижтимоий-сиёсий омиллари хусусида сўз юритилган. Эвфемизмларнинг халқ тил маданияти кўзгуси сифатидаги хусусияти инглиз тили материаллари асосида ёритилган.

Таянч сўзлар: эвфемизм, эвфемия, эвфемизация, тил маданияти, лексик тизим, ижтимоий ўзгаришлар, нуткий меъёр.

ЭВФЕМИЗМ – КАК ПРОЯВЛЕНИЕ ЯЗЫКОВОЙ КУЛЬТУРЫ Сайёра Хусанбоевна АЗИМОВА

Старший преподаватель
Доктор философии по (PhD) филологическим наукам
Ферганский государственный университет
Фергана, Узбекистан

Аннотация

В статье рассматриваются общественно-политические аспекты явления эвфемии. Свойства эвфемизмов в качестве отражения языковой культуры народа освещаются на основе материалов английского языка.

Ключевые слова: эвфемизм, эвфемия, эвфемизация, языковая культура, лексический строй, общественные изменения, речевая норма.

Эвфемия – бу тилнинг лексик тизимида муҳим ўрин эгалловчи ҳамда тузилишига кўра хилма-хиллик касб этувчи лингвистик ҳодисадир. Эвфемизм сўз маъносини юмшатиш вазифасини бажарувчи троп бўлиши билан бир қаторда тилнинг тарихий ривожланишида муҳим ўринга эга бўлган тил тузилишининг элементи. Чунки эвфемизация бу муваффақиятли алоқага киришиш мақсадида инсон томонидан ифодаларни доимий баҳолаш ва қайта баҳолашга асосланган бир номни бошқа номларга узлуксиз ўзгартириш жараёнидир.

Эвфемия ҳодисаси лингвистик адабиётда бир қанча жиҳатлардан тадқиқ этилади: социолингвистик (табу, қўллашнинг маъновий соҳалари), функциявий (эвфемизация мотивлари), грамматик ва семантик (эвфемизмлар тузилиши, эвфемизация усуллари) ва бошқалар.

Эвфемизм юн. ephemia – номуносиб сўзлардан ўзини тийиш, маълум шароитларда бутунлай хушмуомала ёки жуда кўпол бўлмаган, кераги йўқ нарсаларни сўзловчига